В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ
ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ

РАХИМОВА ГУЛНОЗА ГАФУРОВНА

КЕТМА-КЕТ НОПАРАМЕТРИК БАҲОЛАШНИНГ АСИМПТОТИК МАСАЛАЛАРИ

01.01.05 – Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

УДК: 517.24

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ

РАХИМОВА ГУЛНОЗА ГАФУРОВНА

КЕТМА-КЕТ НОПАРАМЕТРИК БАҲОЛАШНИНГ АСИМПТОТИК МАСАЛАЛАРИ

01.01.05 – Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/FM198 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http:kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Абдушукуров Абдурахим Ахмедович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Имомов Аъзам Абдурахимович** физика-математика фанлари доктори, доцент
	Сагидуллаев Холмирза Сапарбаевич физика-математика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Наманган мухандислик-қурилиш институти**

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 7 » июн соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (137-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40).

Диссертация автореферати 2022 йил « 23 » май куни тарқатилди.
(2022 йил « 23 » майдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

У.А. Розиков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К.Адашев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.д.,катта илмий ходим

Я.М.Хусанбаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш хузуридаги
Илмий семинар раиси муовини,
ф.-м.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Математик статистиканинг ноананвий қисмларидан бири статистик кетма-кет таҳлилдир. Математик статистиканинг анъанавий усулларида кузатишлар сони нотасодифий олдиндан берилган бўлади. Кетма-кет тахлилнинг хусусияти эса кузатишларнинг тўхташ моменти ёки кузатишлар сонини тасодифийлигидан иборат бўлиб, бу тасодифий миқдор кузатиш натижалари ва қурилган статистик баҳонинг оптималлик мезонига боғлиқ равишда аниқланади. Кетма-кет интервал ва нуқтавий баҳолаш усулларини қўллаш, эффектив тўхташ моментларини топиш ҳисобига, статистик тажрибаларнинг оптималлигини оширади. Илмий амалий тадқиқотларнинг эффективлигини оширишда ўрганилаётган стохастик жараённинг номаълум кўрсаткичларини баҳолаш учун зарур бўлган танланма хажмини камайтириш ва шу билан бир қаторда кузатишларни ва танланмани ташкиллаштириш учун сарфланадиган харажатларни камайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун кетма-кет интервал ва нуқтавий баҳолаш масалаларини ечиш долзарб бўлиб, амалиётга бу назарияни қўллаш иқтисодий ва илмий самара беради. Диссертация мавзусини актуаллиги кетма-кет нопараметрик интервал ва нуқтавий баҳолашда янги натижалар ёки кетма-кет параметрик интервал ва нуқтавий баҳолаш натижаларига ўхшаш натижалар олинганлигидан иборатдир.

Ҳозирги пайтда инновацион хусусиятга эга тадқиқотларнинг приоритети юқори. Стохастик моделлаштириш усуллари инновацион хусусиятга эга бўлган ҳолда илмий изланишларда, фан ва техниканинг турли соҳаларидаги амалий муаммоларни ҳал қилишда кенг қўлланилмоқда. Статистик тажрибаларда кузатишларни тўхтатиш вақти (тўхташ моменти) асимптотик эффектив ва фиксирланган кенгликли ишончлилик интервали асимптотик асосли бўлгани учун юқоридаги амалий жараёнда кетма-кет таҳлил кенг ва тез-тез қўлланиладиган бўлди. Кетма-кет таҳлилни ўзи математик статистика каби икки қисмдан иборат – кетма-кет гипотезаларни текшириш ва кетма-кет статистик баҳолаш. Бу йўналишлардан кетма-кет гипотезаларни текшириш ўтган йиллар давомида кўпроқ ривожланди. Иккита содда гипотезаларни текшириш масаласига тадбиқан, гипотезаларни текширишнинг кетма-кет усули деганда иккала гипотезадан қайси бири тўғрилиги хақидаги қарорни қабул қилиш учун кузатишларни тўхтатиш қоидаси тушунилади. Кетма-кет интервал ва кетма-кет нуқтавий баҳолашдан ташкил топган кетма-кет статистик баҳолаш бугунги кунда математик статистиканинг жадал ривожланаётган соҳасига айланди.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнининг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган эҳтимоллар назарияси ва математик статистиканинг долзарб йўналишларига, жумладан кетма-кет баҳолаш назариясига алоҳида эътибор қаратилди. «Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика» фанининг устувор йўналишлари бўйича ҳалқаро стандартлар натижасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Мазкур қарор ижросини таъминлашда номаълум параметрларни баҳолаш соҳасида илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу масалаларнинг асосий ечими бу диссертация ишининг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди IV. «Математика, механика ва информатика».

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. И.С.Чоу ва Г.Роббинс фиксирланган кенгликли ишончли интерваллар билан кетма-кет баҳолашнинг умумий асимптотик назариясини яратдилар. Ҳар хил статистик моделлар учун кузатувларни тўхтатиш қоидасини ёки тасодифий тўхташ моментини танлаш билан бир қатор тадқиқотчилар шуғулланганлар. Хусусан, И.С.Чоу ва К.Иу лар номаълум ўрта қийматни эмпирик ўрта қиймат билан квадратик талофат функцияси ёрдамида кетма-кет нуқтавий баҳолаш масалаларини ҳал қилдилар. П.Сен ва М.Гошлар силжиш параметрини U-статистика билан кетма-кет нуқтавий баҳолаш масалаларини тадқиқ қилдилар. П.Сен силжиш параметрини ранг баҳолари (R-баҳолар) ёрдамида кетма-кет нуқтавий баҳолашдаги масалаларни ўрганди. Ю.Юречкова ва П.Сен. хақиқатга максимал ўхшашлик баҳоси (М-баҳо) ва тартибланган статистикаларнинг чизиқли комбинацияси (L-баҳо) билан кетма-кет нуқтавий баҳолашни тадқиқ қилганлар.1995 йилларгача бу йўналишда олинган илмий натижаларнинг тахлили М.Гош, Н.Махопадхьяй ва П.Сен ларнинг монографиясида келтирилган.

2000 йиллардан бошлаб жаҳоннинг кўпгина илмий марказларида (АҚШ, Европа, Хиндистон, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея ва Араб давлатларида) кетма-кет интервал ва нуқтавий баҳолаш масалалари бўйича илмий текширишлар олиб борилмоқда. Дж.Фрей, Р.Лалехзари, Э.Махмуди ва А.Халифехлар кетма-кет интервал баҳолашда яқинлашиш

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори

тезликларини топдилар. А.Чатурведи, Т.Якуб, Г.Мустакидес, С.Эфромович, И.Чинг-Канг, Л.Це Леунглар эса кетма-кет нуқтавий баҳолашда турли талофат функцияларини киритганлар. Ф.Ларго, Д.Полестико, Т.Якубларнинг, Г.Мустакидес ва Ю.Меиларнинг илмий мақолаларида экспоненциал, гамма ва Бернулли тақсимотларнинг параметрларини кетма-кет нуқтавий баҳолашган. Кетма-кет интервал ва нуқтавий баҳолашдан таркиб топган кетма-кет статистик баҳолаш кетма-кет гипотезаларни текширишга қараганда тадқиқотчилар томонидан кам ўрганилиб келинди.

Мавжуд адабиётларни таҳлили шуни курсатадики, ҳозирга қадар нопараметрик кетма-кет интервал ва нуқтавий баҳолашнинг асимптотик масалалари параметрик кетма-кет интервал ва нуқтавий баҳолашнинг асимптотик масалаларига қараганда кам ўрганилган экан. Тасодифий миқдорнинг номаълум тақсимот функциясининг умумий функционаллари учун фиксирланган кенгликли ишончлилик интерваллари топилмаган. Шунингдек улар умумий кўринишдаги талофат функциялари билан нопараметрик кетма-кет нуқтавий баҳоланмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ф4-01 «Тақсимотларнинг функционал характеристикаларни баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш ва статистик баҳоларнинг асимптотик хоссаларини тадқиқ» (2012-2016 йиллар) ва Ф4-40 «Ўлчовли функциялар синфида индексланган интеграл эмпирик процессларнинг асимптоотик хоссаларани тадқик этиш» (2017-2020 йиллар) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кетма-кет нопараметрик интервал ва нуқтавий баҳолашда тўхташ моментлари ҳамда фиксирланган кенгликли ишончлилик интервал ва баҳолашнинг риск функцияларининг асимптотик хоссаларини исботлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

боғлиқсиз ва боғлиқ кузатишлар натижалари бўйича фиксирланган кенгликли ишончлилик интерваллари билан номаълум тақсимот функцияларининг функционаллари синфини кетма-кет нопараметрик интервал баҳолаш;

фиксирланган кенгликли ишончлилик интерваллари билан кўп ўлчовли зичлик функцияси ва унинг хосиласини кетма-кет нопараметрик интервал баҳоларини аниқлаш;

фиксирланган кенгликли ишончлилик интерваллари билан баҳолашда номаълум регрессия функциясини реккурент баҳоси учун тўхташ моментини эффективлигини исботлаш;

асимптотик корреляцияланмаган тасодифий жараённинг номаълум зичлик функциясини кетма-кет нопараметрик интервал баҳолаш учун фиксирланган кенгликли ишончлилик интерваллари қуриш;

номаълум тақсимот функцияларининг функционаллари синфини кетма-кет нопараметрик нуқтавий баҳоларининг эффективлигини исботлаш;

номаълум тақсимот ва характеристик функцияларни кетма-кет нопараметрик нуқтавий баҳолаш усулларини топиш;

тасодифий ҳажмли танланма асосида қурилган эмпирик характеристик процесснинг асимптотик хоссаларида яқинлашиш тезлигини аниқлаш;

Тадқиқот объекти асимптотик эффектив тўхташ моментлари, асосли ишончлилик интераллари ва баҳолашнинг риск функциясидан иборат.

Тадқиқот предмети асимптотик эффектив тўхташ моментлари, асосли ишончлилик интерваллари ва баҳолашнинг раск функциясини қуриш ва уларнинг асимптотик эффективлигини ва асослилигини исботлашдан иборат.

Тадқиқоднинг усуллари. Тадқиқот ишида тасодифий жараёнларнинг суперпозицияси учун лимит теоремаларидан, кучсиз инвариантлик принципидан ва непараметрик статистикаларнинг асимптотик хоссаларидан фойдаланилди**.**

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўхташ моментлари, фиксирланган кенгликли ишончлилик интервал ва баҳолашнинг минимал риск функциясини топиш усуллари ишлаб чиқилган;

тўхташ моментларини асимптотик эффективлиги ва ишончлилик интервалларини асимптотик асослилиги исботланган;

кўп ўлчовли зичлик функциясининг ҳосиласи, регрессия функцияси ва асимптотик корреляцияланмаган тасодифий жараённинг зичлик функцияси учун фиксирланган кенгликли ишончлилик интервалларини асимптотик хоссалари исботланган;

эмпирик характеристик жараёнлар учун инвариантлик принципида яқинлашиш тезликлари топилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари фиксирланган кенгликли ишончлилик интерваллари билан кетма-кет интервал баҳолашда ишончлилик интервали кенглигини кичиклаштирилиб борганда ишончлилик даражаси ўзгармай қолиб, ўрганилаётган амалий масалада талаб қилинган миқдорга тенглиги исботланган. Кетма-кет бўлмаган анъанавий ишончлилик интервали билан бир хил ишончлилик даражасига эга бўлган фиксирланган кенгликли кетма-кет ишончлилик интервалининг кенглиги кичик булиши кўрсатилган, бу эса амалиётда катта аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Эҳтимолликлар назарияси, математик статистика назарияси, тасодифий моментда тўхтатилган тасодифий жараёнлар учун лимит теоремалардан фойдаланилганлиги, ҳамда математик мулоҳазалар ва исботларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фиксирланган кенгликли ишончлилик интерваллар билан кетма-кет баҳолашда топилган тўхташ моментларининг асимптотик эффективлигини ва қурилган ишончлилик интервалининг асослилигини кўрсатилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кетма-кет интервал ва нуқтавий баҳолашда топилган кузатишларни тўхташ моменти танланманинг оптимал ҳажмига асимптотик эквивалент бўлиши ва қурилган ишончлилик интервали кенглигининг анъанавий кетма-кет бўлмаган баҳолашдаги ишончлилик интервалининг кенглигидан кичик бўлиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кетма-кет нопараметрик баҳолашнинг асимптотикасига оид масалалар бўйича олинган натижалар асосида:

фиксирланган кенгликли ишончлилик интервallардан ва уларнинг хоссаларидан «Кафолат суғурта компанияси» да суғурта турлари ва суғурта маҳсулотлари бўйича суғурта рискини камайтиришда фойдаланилган («Кафолат суғурта компанияси» АЖ Тошкент шаҳри филиалининг 2020 йил 29 октябрдаги №01-985/985-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши суғурта рискларини аниқроқ ҳисоблашга, суғурта турлари ва суғурта махсулотлари бўйича суғурталаш нархларини қисқартириш имконини берган;

регрессия функцияси ва асимптотик корреляцияланмаган тасодифий жараённинг зичлик функцияси учун фиксирланган кенгликли ишончлилик интервалларидан Ё-Ф4-07 рақамли «Копула функциялари ёрдамида статистик баҳолаш ва гипотезаларни текшириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада копула функциялари ёрдамида номаълум параметрларни статистик баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий университетининг 2022 йил 11 мартдаги №04/11-1405-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши копула функциялари ёрдамида кетма-кет баҳолашда ишончлилик интервалининг кенглиги кичиклашиб борганда ҳам ишончлилик даражаси ўзгармай қолишини исботлашни имконини берган;

эмпирик характеристик жараёнлар учун инвариантлик принципида топилган яқинлашиш тезликларидан ОТ-Ф-4-40 рақамли «Ўлчовли функциялар синфида индексланган интеграл эмпирик процессларнинг асимптотик хоссаларини тадқиқ қилиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада параметрларни баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий университетининг 2022 йил 11 мартдаги №04/11-1406 сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши тўлиқ бўлмаган танланмалар бўйича статистик баҳолашнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланган номаълум параметрларни баҳолаш масалаларини ҳал қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, улардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 83 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва заруратиасосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларнинг таҳлили берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ѐритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги очиб берилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг татбиқи, шунингдек нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг структураси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Диссертацияда фойдаланилган тушунча ва илмий натижалар**» деб номланган биринчи боби таҳлилий ва ёрдамчи характерга эга бўлиб, диссертацияда ишлатилган асосий тушунчалар ва бошқа муаллифларларнинг илмий натижалари келтирилган. Иккинчи ва учинчи бобларда диссертация мавзуси бўйича олинган илмий натижалар келтирилган. Кетма-кет статистик баҳолаш икки қисмдан, яъни кетма-кет интервал баҳолаш ва кетма-кет нуқтавий баҳолашдан иборат.

Диссертациянинг «**Кетма-кет нопараметрик интервал баҳолаш**» деб номланган иккинчи бобда боғлиқсиз ва боғлиқ кузатиш натижалари учун кетма-кет интервал баҳолаш масалалари ўрганилган. Бобнинг биринчи параграфида номаълум тақсимот функциясидан олинган функционалларнинг етарли катта синфи учун фиксирланган кенгликли ишончлилик интерваллари ва тўхташ моментлари қурилиб, уларнинг асимптотик асосли ва асимптотик эффектив бўлишининг умумий шартлари топилган.

Боғлиқ бўлмаган бир хил тақсимланган $\xi_1, \xi_2, ..., \xi_n$ тасодифий миқдорларнинг тақсимот функцияси $F(x),\ x \in R_1$ номаълум ва $\theta(F)$ тақсимот функция $F(x)$ нинг биророрта функционали бўлсин. Бу функционалнинг статистик баҳоси сифатида $\theta_n = \theta_n(\xi_1, \xi_2, ..., \xi_n)$ ни оламиз ва бу статистик баҳонинг $n \geq 1$ учун чекли математик кутилмаси $M(\theta_n)$ мавжуд бўлсин. У ҳолда θ_n ни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$\theta_n = \theta(F) + [\theta_n - M(\theta_n)] + [M(\theta_n) - \theta(F)].$$

Фараз қилайлик ҳар бир $n \geq 1$ учун $\theta_n - M(\theta_n)$ тасодифий миқдорни қуйидаги йиғинди шаклида тасвирлаш мумкин бўлсин:

$$\theta_n - M(\theta_n) = \frac{1}{n}\sum_{i=1}^{n} Y(F, \xi_i),$$

бу ерда $Y(F,\xi_i), 1\le i\le n$ тасодифий миқдорлар боғлиқсиз ва бир хил тақсимланган, $Y(F,x), x\in R$ эса ҳақиқий Борел функцияси бўлиб, қуйидаги шартни қаноатлантиради:

$(A_2): n\to\infty$ да $n^{-\frac{1}{\alpha}}\sum_{k=1}^{n} Y(F,\xi_k)\Rightarrow Y(F)$, $1<\alpha\le 2$, $Y(F)$ симметрик, турғун тасодифий миқдор бўлиб, характеристик функцияси $M\exp(isY(F))=\exp(-|s|^{\alpha}c(F)),\ s\in R$ га тенг бўлсин, $c(F)$ мусбат ўзгармас сон.

Белги $\Rightarrow$ тасодифий миқдорларнинг тақсимот функцияларини суст интилишини (узлуксизлик нуқталарида) билдиради.

$\alpha=2$ бўлгандаги (A_2) шартнинг муҳим хусусий ҳолида лимит тасодифий миқдор $Y(F)$ ўрта қиймати 0 ва дисперсияси σ^2 бўлган нормал тақсимотга эга бўлади, $c(F)=\frac{1}{2}\sigma^2$.

$n\ge 1$ учун $Z_n=M(\theta_n)-\theta(F)$ белгилаш киритамиз. Z_n миқдор θ_n статистик баҳонинг силжиши бўлиб, қуйидаги шартни қаноатлантирсин:

$(B_2): n\to\infty$ да $n^{1-\frac{1}{\alpha}}Z_n\to 0$,

қуйидаги $n^{1-\frac{1}{\alpha}}(\theta_n-\theta(F))=n^{-\frac{1}{\alpha}}\sum_{k=1}^{n}Y(F,\xi_k)+n^{1-\frac{1}{\alpha}}Z_n$ ёйилмадан (A_2) ва (B_2) шартлар бажарилганда $n\to\infty$ да $n^{1-\frac{1}{\alpha}}(\theta_n-\theta(F))\Rightarrow Y(F)$ ўринли эканлиги келиб чиқади.

Характеристик функцияси $f_\alpha(s)=\exp(-|s|^{\alpha})$ га тенг бўлган турғун тасодифий миқдорнинг тақсимот функциясини $G_\alpha(x)$ деб белгилаймиз. $0<\gamma<1$ сон учун квантиль a_γ, $G_\alpha(a_\gamma)-G_\alpha(-a_\gamma)=\gamma$ тенгламанинг ечими бўлсин. Ҳар бир ε > 0, a_γ ва $n\ge 1$ учун 2ε кенгликли $I(n)=(\theta_n-\varepsilon,\theta_n+\varepsilon)$ тасодифий интервал ва $n_{\gamma,\varepsilon}=\min\left(n\ge 1: n\ge\left(\frac{a_\gamma c(F)^{\alpha}}{\varepsilon}\right)^{\frac{1}{1-\alpha}}\right)$ бутун сонни аниқлаймиз. (A_2), (B_2) шартлардан ҳар бир $0<\gamma<1$ учун $\lim_{\varepsilon\to 0}P\{\theta(F)\in I(n_{\gamma,\varepsilon})\}\ge\gamma$ ўринли бўлади. Демак 2ε кенгликли $I(n_{\gamma,\varepsilon})$ ишончлилик интервали $\theta(F)$ учун γ ишончлилик даражасига эга ишончлилик интервали бўлади. Бу кетма-кет баҳолашнинг камчилиги уни номаълум функционал $c(F)$ га боғлиқлигидадир. Бу камчиликни бартараф этиш учун $c(F)$ ни унинг асосли статисик баҳоси билан алмаштириш керак. Фиксирланган кенгликли ишончлилик интервали билан интервал баҳолаш масаласи тўхташ қоидаси ёки

$$N_{\gamma,\varepsilon}=\min\left(n\ge 1: n>\left(\frac{a_\gamma V_n^{\alpha}}{\varepsilon}\right)^{\frac{1}{1-\alpha}}\right),$$

тўхташ моментини танлаш масаласига айланади, бу ерда $\{V_n=V_n(\xi_1,\xi_2,...,\xi_2),\ n\ge 1\}$ функционал $c(F)$ нинг статистик баҳоси бўлиб, қуйидаги шартни қаноатлантиради:

(C_2): (a) $P\{V_n > 0\} = 1, n \geq 1,$ (b) $n \to \infty$ да бир эҳтимол билан $V_n \to c(F)$.

Интервал $I(N_{\gamma,\varepsilon}) = (\theta_{N_{\gamma,\varepsilon}} - \varepsilon, \theta_{N_{\gamma,\varepsilon}} + \varepsilon)$ номаълум функционал $\theta(F)$ учун фиксирланган 2ε кенгликли ишончлилик интервали дейилади.

И.С.Чоу ва Г.Роббинслар киритган қуйидаги асимптотик критерийларни келтирамиз:

1-таъриф. Ҳар бир $0 < \gamma < 1$ учун $\lim\limits_{\varepsilon \to 0} P\{\theta(F) \in I(N_{\gamma,\varepsilon})\} \geq \gamma$ ўринли бўлса, у ҳолда номаълум функционал $\theta(F)$ учун қурилган ишончлилик интерваллари тизими $I(N_{\gamma,\varepsilon}) = (\theta_{N_{\gamma,\varepsilon}} - \varepsilon, \theta_{N_{\gamma,\varepsilon}} + \varepsilon),$ $0 < \gamma < 1, \varepsilon > 0$ асимптотик асосли дейилади.

2-таъриф. Асимптотик асосли ишончлилик интерваллар тизими $I(N_{\gamma,\varepsilon}) = (\theta_{N_{\gamma,\varepsilon}} - \varepsilon, \theta_{N_{\gamma,\varepsilon}} + \varepsilon), 0 < \gamma < 1, \varepsilon > 0$ учун $\varepsilon \to 0$ да $\dfrac{M(N_{\gamma,\varepsilon})}{n_{\gamma,\varepsilon}} \to 1$ ўринли бўлса, у ҳолда ҳар бир $0 < \gamma < 1$ учун тўхташ моменти $N_{\gamma,\varepsilon}$ асимптотик эффектив дейилади.

Интервал $I(N(\varepsilon,\gamma))$ни асослилигини ва тўхташ моменти $N(\varepsilon,\gamma)$ ни асимптотик эффективлигини исботлаш кетма-кет интервал баҳолашнинг асосий масалаларидир.

1-теорема. (C_2) шарт бажарилсин. У ҳолда хар бир $0 < \gamma < 1$ учун

(i) ҳар бир $\varepsilon > 0$ учун $P\{N_{\gamma,\varepsilon} < \infty\} = 1$;

(ii) $\varepsilon \to 0$ да бир эҳтимол билан $\dfrac{N_{\gamma,\varepsilon}}{n_{\gamma,\varepsilon}} \to 1$.

1-изоҳ. Агар (C_2) шартни кучсизроқ (C_2^*): (a) $P\{V_n > 0\} = 1, n \geq 1,$ (b) $n \to \infty$ да эхтимол бўйича $V_n \xrightarrow{p} c(F)$ шартига алмаштирсак, 1-теореманинг **(ii)** тасдиғидаги яқинлашиш эхтимол бўйича ўринли бўлади.

2-теорема. (C_2^*) ва (D_2): бирорта $\delta > \dfrac{1}{\alpha - 1}$ ва хамма $n \geq 1$ учун $M(V_n^\delta) < \infty$ шартлар бажарилса, у ҳолда $\lim\limits_{\varepsilon \to 0} \dfrac{M\left(N_{\gamma,\varepsilon}\right)}{n_{\gamma,\varepsilon}} = 1.$

3-теорема. (A_2), (B_2) ва (C_2^*) шартлар бажарилсин. У ҳолда интервал $I(N_{\gamma,\varepsilon}),$ $0 < \gamma < 1, \varepsilon > 0$ номаълум функционал $\theta(F)$ учун асимптотик асосли фиксирланган кенгликли ишончлилик интерваллари тизими бўлади.

1-натижа. (A_2), (B_2), (C_2^*) ва (D_2) шартлар бажарилсин. У ҳолда ҳар бир $0 < \gamma < 1$ учун тўхташ моменти $N_{\gamma,\varepsilon}$ асимптотик эффектив бўлади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида номаълум кўп ўлчовли зичлик функциясининг ҳосиласи учун статистик баҳолари мисолида иккинчи бобнинг биринчи параграфидаги умумий шартларнинг бажарилиши текширилган. Зичлик функцияси $f(x), x = (x_1, x_2, ... x_m) \in R^m$ номаълум бўлган ξ

тасодифий векторни боғлиқсиз кузатишлар натижаси $\xi_1, \xi_2, ..., \xi_n$ бўлсин, бу ерда R^m Лебег ўлчови киритилган m-ўлчовли Эвклид фазоси, $m \geq 1$ ва $\xi_k = (\xi_{k1}, \xi_{k2}, ...\xi_{km}), 1 \leq k \leq n.$ Зичлик функцияси $f(x)$ нинг r-тартибли ҳосиласи $f^{(r)}(x) = \dfrac{\partial^r f(x_1, x_2, ..., x_m)}{\partial^{r_1} x_1 \partial^{r_2} x_2 \cdots \partial^{r_m} x_m}$, $r_1 + r_2 + ... + r_m = r$ бўлсин, $r \geq 0, \left(f^{(0)}(x) \equiv f(x) \right).$ $f^{(r)}(x)$ нинг $x \in R_m$ нуқтадаги статистик баҳоси сифатида қуйидаги ядровий баҳони оламиз

$$f_n^{(r)}(x) = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n} \frac{1}{h_i^{m(r+1)}} K^{(r)} \left(\frac{x - \xi_i}{h_i} \right), \tag{1}$$

бу ерда $h_n = n^{-\delta}, \delta > 0,$ $K^{(r)} \left(\dfrac{x - \xi_i}{h_i} \right) = K^{(r)} \left(\dfrac{x_1 - \xi_{i1}}{h_i}, \dfrac{x_2 - \xi_{i2}}{h_i}, ..., \dfrac{x_m - \xi_{im}}{h_i} \right)$ ва $K^{(r)}(x) = \dfrac{\partial^r K(x_1, x_2, ..., x_m)}{\partial^{r_1} x_1 \partial^{r_2} x_2 \cdots \partial^{r_m} x_m}$, $r_1 + r_2 + ... + r_m = r$ - мусбат ва чегараланган $K(x), x = (x_1, x_2, ...x_m) \in R_m$ функциянинг r-тартибли ҳосиласи $\left(K^{(0)}(x) \equiv K(x) \right).$ Статистик баҳо (1) йиғиндига қуйидагича ёйилади

$$f_n^{(r)}(x) = f^{(r)}(x) + \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n} Y^{(r)}(x, \xi_i) + Z_n^{(r)}(x),$$

бу ерда $Y^{(r)}(x, \xi_i) = \dfrac{1}{h_i^{m(r+1)}} K^{(r)}(\dfrac{x - \xi_i}{h_i}) - M(\dfrac{1}{h_i^{m(r+1)}} K^{(r)}(\dfrac{x - \xi_i}{h_i}))$ ва $Z_n^{(r)}(x) = M(f_n^{(r)}(x) - f^{(r)}(x)$, яъни бу статистик модель иккинчи бобнинг биринчи параграфидаги статистик моделнинг хусусий ҳоли бўлиб, бу параграфдаги теоремаларни исботлаш учун иккинчи бобнинг биринчи параграфидаги натижалардан фойдаланилади. Қуйидаги шартларни киритамиз:

(A_1): $\int\limits_{R^m} x_i K(x) dx = 0, 1 \leq i \leq m, \lim\limits_{\|x\| \to \infty} \|x\|^m \left| K^{(r)}(x) \right| = 0$, $\int\limits_{R^m} \left| K^{(r)}(x) \right| dx < \infty,\ r \geq 0.$

(B_1): $f^{(r+1)}(x)$ ҳосила мавжуд.

(C_1): $\varphi(t) = \int\limits_{R^m} e^{i(t,x)} f(x) dx$ учун $\int\limits_{R^m} |u| \varphi(u) du < \infty$,

$k(t) = \int\limits_{R^m} e^{i(t,x)} K(x) dx$ учун $\int\limits_{R^m} |k(u)| du < \infty$ ва $|t| \leq |s|$ учун $k(s) \leq k(s)$.

Белгилашлар киритамиз $\alpha = \dfrac{1 - (1 + 2r)\delta m}{2}$, $\beta = \dfrac{1}{1 + (1 + 2r)\delta m}$, $k(r) = \int\limits_{R_m} \left| K^{(r)}(x) \right|^2 dx,$ $\lambda = \dfrac{1}{2}(1 - (3 + 2r)\delta m)$, $\sigma^2(x) = \beta k(r) f(x).$

(A_1), (B_1) ва $\dfrac{1}{(3 + 2r)m} < \delta < \dfrac{1}{(1 + 2r)m}$ шартлар бажарилганда ҳамма $x \in R_m$ учун $n \to \infty$ да тасодифий миқдор $n^\alpha \left(f_n^{(r)}(x) - f^{(r)}(x) \right)$ нинг тақсимоти ўрта қиймати нолга ва дисперсияси $\sigma^2(x)$ бўлган нормал тақсимотга интилади. Бундан фойдаланиб, номаълум $f^{(r)}(x)$ ни кетма-кет интервал баҳолаймиз. Ишончлилик даражаси $0 < \gamma < 1$ учун квантил $a_\gamma = \Phi^{-1} \left(\dfrac{1 + \gamma}{2} \right)$ бўлсин, бу ерда

$\varPhi(x)=\frac{1}{\sqrt{2\pi}}\int\limits_{-\infty}^{x}e^{-\frac{y^2}{2}}dy$. Квантиль a_γ ва $\varepsilon>0$ сон учун дисперсия $\sigma^2(x)$ маълум ва номаълум бўлганда унинг тўхташ ва тасодифий тўхташ моментлари мос равишда

$$n(\varepsilon,f)=\min\left(n\ge 1: n\ge\left(\frac{a_\gamma^2\sigma^2(x)}{\varepsilon^2}\right)^{\frac{1}{2\alpha}}\right),$$

ва

$$N_\varepsilon=\min\left(n\ge 1: n\ge\left(\frac{a^2\sigma_n^2(x)}{\varepsilon^2}\right)^{\frac{1}{2\alpha}}\right), \qquad (2)$$

ларга тенг ва 2ε кенгликли ишончлилик интервали $(f_{N_\varepsilon}^{(r)}(x)-\varepsilon,\, f_{N_\varepsilon}^{(r)}(x)+\varepsilon)$ бўлади, бу ерда $\sigma_n^2(x)=\beta k(r)f_n(x)$ дисперсия $\sigma^2(x)$ нинг ва $f_n(x)=\frac{1}{n}\sum_{i=1}^{n}\frac{1}{h_i^m}K\left(\frac{x-\xi_i}{h_i}\right)$ зичлик функцияси $f(x)$ нинг статистик баҳоси.

4-теорема. Агар (C_1) ва $0<\delta<\frac{1}{(1+2r)m}$ шартлар бажарилса, (2) тасодифий тўхташ моменти учун қуйидаги тасдиқлар ўринли:

1) Ихтиёрий ε > 0 учун $P\{N_\varepsilon<\infty\}=1$;

2) $\varepsilon\to 0$ да бир эҳтимол билан $\frac{N_\varepsilon}{n(\varepsilon,f)}\to 1$.

5-теорема. Агар (A_1), (B_1), (C_1) ва $\frac{1}{(3+2r)m}<\delta<\frac{1}{(1+2r)m}$ шартлар бажарилса, у ҳолда хамма $x\in R_m$ учун $\lim\limits_{\varepsilon\to 0}P\left\{f^{(r)}(x)\in(f_{N_\varepsilon}^{(r)}(x)-\varepsilon,\, f_{N_\varepsilon}^{(r)}(x)+\varepsilon)\right\}\ge\gamma$ ўринли бўлади, яъни фиксирланган 2ε кенгликли ишончлилик интервали $(f_{N_\varepsilon}^{(r)}(x)-\varepsilon,\, f_{N_\varepsilon}^{(r)}(x)+\varepsilon)$ асимптотик асосли бўлади.

Ушбу бобнинг учинчи параграфида регрессия функциясини кетма-кет интервал баҳоланган. Бу параграфда киритилган регрессия функциясининг статистик баҳосини йиғинди-ёйилма кўринишга келтириш мумкин эмас. Шунинг учун регрессия функциясини кетма-кет интервал баҳолаш усуллари биринчи ва иккинчи параграф усулларидан фарқ қилиб, регрессия функциясининг тасодифий ҳажмдаги танлама асосида қурилган баҳоларининг хоссаларига асосланади.

Мазкур бобнинг тўртинчи параграфида танланманинг элементлари боғлиқ бўлганда кетма-кет интервал баҳолаш масалалари ўрганилган. Бу ерда танланма $\xi_1,\xi_2,...,\xi_n$ элементларини боғлиқсизлиги талаб қилинмай, биринчи параграфида (A_2) шартдаги лимит тасодифий миқдорнинг асимптотик нормаллиги талаб қилинган. Фиксирланган кенгликли ишончлилик интерваллари ва тўхташ моментлари қурилиб, уларнинг асимптотик асосли ва асимптотик эффектив бўлишини 1-3 теоремалардаги шартларга ўхшаш шартлари топилган.

Бешинчи параграфида эса асимптотик корреляцияланмаган тасодифий жараённинг ва номаълум зичлик функциясини кетма-кет интервал баҳолаш мисолида умумий шартларининг бажарилиши текширилган.

(Ω, Ғ, P) эҳтимоллик фазосида ξ_n, $n \in Z$ стационар тасодифий жараён берилган бўлсин. Бутун сонлар $k<m$ учун $\Im_k^m$ орқали $\xi_k,...,\xi_m$ тасодифий миқдорлар ҳосил қилган ҳодисаларнинг σ-алгебрасини белгилаймиз. $\Im_k^m$-ўлчовли иккинчи тартибли моментлари чекли функцияларнинг Гильберт фазосини $L^2(\Im_k^m)$ орқали белгилаймиз.

3-таъриф. Агар $n \to \infty$ да $c(n) = \sup \frac{M(gh)}{\sqrt{M(g^2)M(h^2)}} \to 0$ ўринли бўлса, у ҳолда стационар тасодифий жараён ξ_n, $n \in Z$ асимптотик корреляцияланмаган дейилади, бу ерда супремум $M(g) = M(h) = 0$ бўлган ҳамма $g \in L^2(\Im_{-\infty}^n)$ ва $h \in L^2(\Im_n^\infty)$ $(n \ge 1)$ лар бўйича олинган.

$f(x_1, x_2, ..., x_k)$ орқали $(\xi_0, \xi_1, ..., \xi_{k-1})$ тасодифий векторнинг биргаликдаги зичлик функциясини белгилаймиз ва у $\xi_n, n \in Z$ корреляцияланмаган тасодифий жараённинг k- тартибли зичлик функцияси деб аталади. Маргинал, яъни 1-тартибли зичлик функцияси $f(x), x \in (-\infty, \infty)$ номаълум бўлсин. Зичлик функцияси $f(x)$нинг статистик баҳоси сифатида рекуррент ядровий баҳони оламиз

$$f_n(x) = \frac{1}{n}\sum_{i=1}^{n} \frac{1}{h(i)} K\left(\frac{x-\xi_i}{h(i)}\right) = \frac{n-1}{n} f_{n-1}(x) + \frac{1}{nh(n)} K\left(\frac{x-\xi_n}{h(n)}\right), \qquad (3)$$

бу ерда $h(n) = n^{-\beta}$, 0 <β< 1, $K(x)-$ чегаралаанган зичлик функцияси бўлиб, $|x| \to \infty$ $|x|K(x) \to 0$. Статистик баҳо (3) учун қуйидаги ёйилма ўринли

$$f_n(x) = f(x) + \frac{1}{n}\sum_{i=1}^{n} Y(K, \xi_i) + Z_n\ ,$$

бу ерда $Y(K,\xi_i) = \frac{1}{h(i)} K\left(\frac{x-\xi_i}{h(i)}\right) - M\left(\frac{1}{h(i)} K\left(\frac{x-\xi_i}{h(i)}\right)\right), 1 \le i \le n$ ва $Z_n = M\left(f_n(x)\right) - f(x)$.

Шартлар киритамиз:

(F_1): 1. Тасодифий жараён $\xi_n, n \in Z$ учинчи тартиблигача чегараланган зичлик функцияларга эга;

2. $f(x) \ne 0, |f(x+h) - f(x)| \le L|h|, x \in R_1, h \in R_1, L -$ мусбат ўзгармас сон;

3. $n \to \infty$ да $c(n) = O(n^{-2-\delta})$, δ> 0;

(G_1): $k_1 = \int_{-\infty}^{\infty} |u| K(u) du < \infty$, $k_2 = \int_{-\infty}^{\infty} K^2(u) du < \infty$;

(H_1): $\frac{1}{3} < \beta < \frac{\delta}{3}$.

(F_1), (G_1), (H_1) шартлар бажарилса, $n \to \infty$ да $n^{\frac{1-\beta}{2}}(f_n(x) - f(x))$ тасодифий миқдорнинг тақсимоти, ўрта қиймати ноль ва дисперсияси $\sigma^2(x) = \frac{k_2}{1+\beta} f(x)$

бўлган нормал тақсимотга интилади. Бундан фойдаланиб номаълум $f(x)$ ни кетма-кет интервал баҳолаймиз. Ишончлилик даражаси $0<\gamma<1$ учун квантиль $a_\gamma=\Phi^{-1}\left(\frac{1+\gamma}{2}\right)$ бўлсин, бу ерда $\Phi(x)=\frac{1}{\sqrt{2\pi}}\int\limits_{-\infty}^{x}e^{-\frac{y^2}{2}}dy$. Квантиль a_γ ва $\varepsilon>0$ сондан фойдаланиб, дисперсия σ^2 маълум бўлганда $n_\varepsilon=\min\left(n\geq 1:n\geq\left(\frac{a_\gamma^2\sigma(x)^2}{\varepsilon^2}\right)^{\frac{1}{1-\beta}}\right)$ тўхташ моменти, дисперсия $\sigma^2(x)$ номаълум бўлганда

$$N_\varepsilon=\min\left(n\geq 1:n\geq\left(\frac{a^2k_2}{\varepsilon^2(1+\beta)}\,f_n(x)\right)^{\frac{1}{1-\beta}}\right), \qquad (4)$$

тасодифий тўхташ моменти ва 2ε кенгликли $I(N_\varepsilon)=(f_{N_\varepsilon}(x)-\varepsilon,f_{N_\varepsilon}(x)+\varepsilon])$, ишончлилик интервали киритамиз.

6-теорема. (F_1) ва $0<\beta<\frac{1}{2}$ шартлар бажарилса, (4) да аниқланган тўхташ моменти учун:

1) ихтиёрий ε > 0 учун $P\{N_\varepsilon<\infty\}=1$,

2) $\varepsilon\to 0$ да бир эҳтимол билан $\frac{N_\varepsilon}{n_\varepsilon}\to 1$,

3) $\lim\limits_{\varepsilon\to 0}\frac{M(N_\varepsilon)}{n_\varepsilon}=1$ ўринли бўлади.

7-теорема. (F_1), (G_1)**,**(H_1) шартлар бажарилсин**.** У ҳолда

1) $\varepsilon\to 0$ да $\sigma^{-1}N_\varepsilon^{\frac{1-\beta}{2}}\left(f_{N_\varepsilon}(x)-f(x)\right)\Rightarrow N(0,1)$;

2) $\lim\limits_{\varepsilon\to 0}P\left(f(x)\in I(N_\varepsilon)\right)\geq\gamma$.

2-натижа. (F_1), (G_1) ва $\frac{1}{3}<\beta<\min\left(\frac{1}{2},\frac{\delta}{3}\right)$ шартлар бажарилса, у ҳолда (4) тўхташ моменти асимптотик эффектив бўлади.

Диссертациянинг «**Талофат функцияси умумий кўринишга эга бўлганда кетма-кет нопараметрик нуқтавий баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида талофат функциялари умумий кўринишга эга бўлганда нопараметрик кетма-кет нуқтавий баҳолаш масалалари тадқиқ қилинган. Биринчи параграфда номаълум тақсимот функциясининг функционалларининг баҳосини асимптотик минимал рискли баҳо бўлишининг умумий шартлари функционалларнинг етарли кенг синфи ва умумий кўринишдаги талофат функциялари учун келтирилган. $\xi_1,\xi_2,\ldots,\xi_n$ боғлиқсиз тасодифий миқдорларнинг тақсимот функцияси $F\in\mathrm{F}$ номаълум бўлсин, бу ерда F маълум бир регулярлик шартларини қаноатлантирувчи тақсимот функцияларнинг оиласи. Тақсимот функцияси $F(x)$ нинг функционали $\theta(F)$ ни $\theta_n=\theta_n(\xi_1,\xi_2,\ldots,\xi_n)$ статистик баҳо билан баҳолаймиз ва бу баҳолашнинг абсолют хатолигини $\alpha_n=\alpha_n(F)=|\theta_n-\theta(F)|$ орқали белгилаймиз. Шунингдек $\varphi(y), y \geq 0$ мусбат, ўсувчи, $\varphi(0)=0$ бўлган функция ва ε танланманинг бир дона элементини қиймати бўлсин.

4-таъриф. Ифода $L_n = L_n(\varepsilon, F) = \varphi(\alpha_n) + \varepsilon \cdot n$ талофат функция ва унинг математик кутилмаси $R_n(\varepsilon, F) = M\left(L_n(\varepsilon, F)\right) = \beta_n(F) + \varepsilon \cdot n$ номаълум $\theta(F)$ ни $\theta_n = \theta_n(\xi_1, \xi_2, ..., \xi_n)$ билан баҳолашнинг риск функцияси дейилади.

Қуйидаги шартни киритамиз:

(A_3): Ҳамма $n \geq 1$ учун математик кутилма $\beta_n(F) = M\left(\varphi(\alpha_n)\right)$ мавжуд, n бўйича камаювчи ва $\lim\limits_{n\to\infty} \beta_n(F) = 0$.

